
Фидоий ва заҳматкаш касб әгалари хонадонлари йўқланди

Янги иил байрами арафасида устозларни йўқлаш, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган бўлган оиласалар ҳолидан хабар олишдек хайрли тадбирлар Ўзбекистон туманида давом этмоқда.

Туман ободонлаштириш бошқармаси масъуллари ҳам ана шундай эзгу ташаббусга қўл уришди.





Туман ҳокими ўринбосари Шерзодбек Исмоилов бошчилигига ҳудудлар саранжом саришталигини сақловчи, барчага тозаликни ҳамроҳ қилувчи касб эгалари, бир сўз билан айтганда ҳақиқий фидоийлар ҳолидан хабар олинди.

Бошқармада узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиқкан фахрийлар, оиласида ногиронлиги бўлган ва шифоталаб ходимлар хонадонларига йўқлаб борилиб, уларга меҳр улашилди.



Дилдан сұхбатларда уларнинг ҳалол ва фидокорона мәжнатларининг қадри ҳамиша баланд эканлиги таъкидланиб, оиласаларга байрам совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Самимий меҳр ва әхтиромга йүғрилган ана шундай Янги йил йўқловлари жойларда давом этмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-12-29 21:18:00